

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАКТАБЛАРИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАЪЛИМИ  
МАЗМУНИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ****Каипов Н.П***Нукус ДПИ ассистент-ўқитувчиси*

**Резюме:** *Главной задачей настоящего времени является осуществление модернизации и её эффективности в образовании. В статье говорится о значении интеграции принципов в модернизации изобразительного искусства. Тема изучена на примере школ Республики Каракалпакстан.*

**Summary**

*The main nowadays purpose is the realization of modernization and its effectiveness education. The importance of integration of principles in modernization of Art is spoken in this article.*

**THE THEME IS STUDIED ON THE EXAMPLES OF SCHOOLS OF REPUBLIC OF  
KARAKALPAKSTAN.**

Қорақалпоғистон Республикаси мактабларида тасвирий санъат таълим мазмунини интеграциялаш тасвирий санъат таълимини модернизациялашнинг асосий омилларидан бири саналади. Чунки, Ўзбекистоннинг таълим соҳаси таълим мазмунини тубдан ислоҳ этишни талаб этмоқда. Ислохатларнинг бадий таълим соҳасидаги ўзгаришлари замонавий технологияларни ўзига ҳос йўналишларда амалга оширилишини назарда тутди. Лекин, жамият ҳаётининг тараққиёт жараёнини ҳисобга олиб таълим мазмунида кескин ўзгаришлар амалга оширилмайди. Таълим мазмуни фан ва техниканинг, ишлаб чиқариш ва маданиятнинг тараққиёти билан боғлиқ тарзда модернизациялаштирилади.

Бизга маълумки, бугунги кундаги мамалакатимиздаги муҳим масалаларидан бири таълим мазмунини ўз вақтида модернизациялаш ҳисобланади. Бунда асосий масалалардан бири сўнги йилларда кенгайиб кетган ва ўқувчиларни зўриқишга олиб келадиган ўқув материалларини интеграциялашдан иборатдир. Айрим ўқитувчилар анъанавий тарзда ўқув материали ҳажмини кенгайтириш ўқувчиларнинг билим даражасининг кенгайишига олиб келади деб, ҳисоблашади. Бу масала мактаблардаги тасвирий санъат таълими мазмунига ҳам оид. Ўқув материаллари ва таълим мазмунининг минимал ҳамда максимал даражаларини танлашда таълим мазмунини модернизациялашнинг концептуал асосларига таянилади. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат ўқув предметининг мақсади баркамол, комил инсонни ўзининг бадий маданиятини шакллантиришга қаратилади. Бу ўз ўрнида биринчи навбатда, тасвирий санъат дарсларида тақдим этиладиган таълим мазмунининг асосий моҳияти ва мақсадни аниқлашни тақозо этади. Ўқувчиларда билимларни

ўзлаштириш, уларнинг мазмунини идрок этиш, билиш кўникмаларини шакллантириш назарда тутилади. Бу борада таълим мазмунида билимларни қисқартириш эмас, балки уларни интеграциялаш йўлидан бориш лозим.

Тасвирий санъат ўқув предмети ҳар бир инсон учун зарур бўлган бадиий маданиятга доир элементар билим ва малакалар беради. Чунки, ҳар бир ўқувчи келажакда қайси соҳада ишлашидан қатъий назар, у ишидан ташқари вақтларида дам олиши, ҳордиқ чиқариши, иш вақтида сарфланган қувватини тиклаши керак бўлади. Лекин, бу мактабларда тасвирий, амалий санъатлардан чуқур ва кенг билим ва малакалар бериш керак экан, деган маънони билдирмайди. Мактаблар ўз номига кўра умумий ўрта таълим мактаблари деб номланиб, болаларга бошқа фанлар қатори тасвирий ва амалий санъатларидан умумий, элементар билим ва малакалар беришни вазифа қилиб қўяди.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ўқув фанларининг мавзуларини узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, уларни бир-бирига мослаштиришни таъминлаш таълимнинг бир қатор соҳалари бўйича ўқувчиларнинг билим даражаларини оширишга самарали таъсир ўтказди. Хусусан, тасвирий санъат дарсларида ўқувчи томонидан эгалланадиган билимлари математика, физика, география, тарих, биология, химия каби фанларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган педагогик-иллюстратив материаллар асосида ўқувчиларнинг билим доираси, интеллектуал тафаккури, ўйлаш қобилиятларига оид элементлар шубҳасиз ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим мактабларида эгалланиши лозим бўлган билимларининг самарадорлигини оширишнинг технологик воситасидир. Хусусан, мактабларда фанлараро боғланишни ҳисобга олиб ўқитиш, ўқувчиларнинг тасвирлаш кўникмалари даражасини ошириш, тасвирий санъат таълими жараёнида олган билимлари мазмунида тасвирий-иллюстратив материаллар мавжуд бўлган ўқув фанларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, ўқув фанлари ўртасида фанлараро боғлиқлигининг, ва ўқувчиларнинг бадиий саводхонлик ҳамда тасвирий кўникмалари тайёргарлигини оширишда таълим мазмунини модернизация қилиш технологиясининг педагогик талабларини ишлаб чиқиш аҳамиятлидир.

Халқимизнинг минг йиллик урф-одатларини, тарихини, этногенезисини ўрганиш тасвирий санъат фанининг асосий вазифаларидан биридир. У география, зоология, биология, табиатшунослик, санъатшунослик ва бошқа бир қанча фанларни ўз ичига олади. Шу боис тасвирий санъат материаллари кенг қамровга эга. Унинг асосий манбалари тарихий ёдгорликлар, археологик, этнографик, топонимик, архив хужжатлари, миллий ва бадиий хунармандчилик, халқ амалий санъат намуналари, тасвирий санъат асарларида намоён бўлади. Мактаб ўқувчиларига тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш усуллари воситасида ўқувчиларнинг бадиий-эстетик билимлари даражасини оширишнинг педагогик тизимининг миллий незигини мустаҳкамлаш демакдир. Тасвирий санъат материалларидан таълимнинг турли босқичларида фойдаланиш эса ўзининг таълимий таъсир кучига кўра самарали манба

ҳисобланади. Бу таъсир айниқса, ўқувчиларнинг тарихий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг маънавий дунёсини бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таъкидланганидек, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос географик, этник хусусиятларидан ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тарбиявий ишлар олиб бориш имконияти таъминланади. Унда ҳар бир ҳудуднинг санъати ва маданияти шуниндек, бадиий анъаналари ўз ифодасини топади.

Шу нуқтаи назардан таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган мактабларда бадиий-эстетик тарбия берувчи туркумдаги тасвирий санъат дарсларида тасвирий санъат материалларидан фойдаланишнинг асосий мақсади юқорида таъкидланганидек, тасвирий кўникма ва малакалар билан биргаликда ўқувчи ёшларда маданият ва санъат тарихи, юртимиз (ўзбек ва қорақалпоқ) санъатидаги анъаналарни миллий маданий мерос сифатида ўрганишга, санъатшунослик ва тасвирий санъат материаллари асосида тасвирий санъат дарсларини янада самарали кечишига эришиш мумкин.

Қорақалпоқ маданияти ва санъатига хос тасвирий санъат материаллари тасвирий санъат таълими мазмунидан ўрин олган тасвирий фаолиятнинг барча турларига мослиги билан аҳамиятлидир. Бунда қорақалпоқ миллий урф одатлари ва буюмлари акс эттирилган, тасвирий ва амалий кўринишлари ўқувчиларнинг дунёқаршларига ўз таъсирини ўтказади.

Юқорида келтириб ўтилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялаш усуллари воситасида ўқувчиларнинг бадиий-эстетик билимлари даражасини оширишнинг педагогик тизимини ишлаб чиқишда тасвирий санъат материалларидан ўқув-иллюстратив материаллар сифатида фойдаланиш бўйича энг қулай имкониятга эга эканлигини англаш мумкин. Шу боис тасвирий санъат таълимида таълим мазмунини интеграциялаш ўқувчиларга ҳам таълимий ҳам тарбиявий жиҳатдан комплекс таъсир этиш мумкин. Тасвирий санъат материалларининг таълимий ва тарбиявий имкониятлари шуларда намоён бўладики, янги билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқув масалаларни ечишга тасвирий-ижодий малака ва кўникмаларни ривожлантириш учун зарур бўлган шароитлар яратиб беради. Қолаверса, тасвирий санъатда қўлланиладиган воситалар, кўргазмалар ва эскизлар ўқувчиларнинг сезгиларини ривожлантиришга, тасвирий-ижодий фаолиятда ўз кучига ишонишига, янги билимларни тўплашга хизмат қилади. Чунки, тасвирий санъат материали ўқувчиларга маълум даражада танишлиги боис ўзлаштириш жараёни осон кечади.

Тасвирий санъат материаллари тасвирий санъат таълими мазмунини модернизациялашдаги янги билимларни идрок этиш жараёнида ўқувчининг шахсий ютуқлари, билишга қизиқишини ривожлантиришга қаратилган самарали ундовчи восита ҳисобланади.

Дарсларда тасвирий санъат материаллари ўқувчиларда тасвирий саводхонликни оширишга қулай методик шароит яратади. Бу методик қулайликни аввало

педагогиканинг танишдан нотанишга, яқиндан узоққа принципига мослиги билан изоҳлаш мумкин, яъни тасвирий санъат воситалари маҳаллий материал сифатида ўқувчига таниш, идрок этиш ва баҳолаш учун осон объект. Шу тариқа уларда тасвирий санъат таълимининг барча турларидан билим даражасини оширишда, тасвирий санъат материалларни ўқув материали сифатида қабул қилиш осонлиги туфайли юкори даражада ўзлаштириш имконини беради.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Алламуратов А. История искусств Каракалпакстана (на каракалпакском языке). – Нукус, 1968.
2. Булатов С.С. Психолого-педагогические особенности формирования умения и навыков во внеклассной работе (на материале общеобразовательных школ Узбекистана). Дисс. канд. пед. наук.-М., 1985. с. 197.
3. Сафарова Р.Ғ, Мусаев У,Қ. ва бошқ Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари. Тошкент, «Фан», 2008.
4. Тасвирий санъат фанидан узвийлаштирилган ўқув дастурини жорий этиш бўйича тавсиялар. Тошкент, 2010.